

## ШАХС МАЪНАВИЯТИНИ ТАРБИЯЛАШДА НАВОИЙ ИЖОДИНИНГ УРНИ

**Karomova Navbahor Isomiddinovna**

Buxoro viloyati Buxoro shahridagi Prezident maktabi ona tili va adabiyot fani o'qituvchisi

Суз билан дунёни забт эта олган ,асрлар ошауз ижоди ва мероси,килган яхши амаллари билан дилларда яхшилик уругини сепа олган буюк боболаримиз Алишер Навоий хаёт ива ижодига яна бир бор назар ташлар эканмиз ,беихтиёр курраи замннинг хар нуктасига бир хил нур сочаётган куёш куз олдимизга келади.Навоийни куёшга ухшатишимиз бежиз эмас.Навоийнинг хар сатрида куёш нурларидек иликлик,сахийлик,мехр-мухаббатфуриб туради.Навоийнингнафакат байтларидан,балки амалларидан, давлат бошқарувида ,ободончилик ишларини олиб боришидан хам ,шахарларда курдирган иморатларидан хам ибрат олса мақсадга мувофик булади.

Навоийнингзмондоши ,тарихчи олим,Навоийнинг моддий вамаънавий кумагидан бир умр бахраманд булган ватарихий асарлар яратиб колдирган Хондамир Навоийни ката мехр билан,мурувват билан тилга олади.Унингхалк учун ,зиё ихлосмандлари учун бир садокат ва саховат билан 52 работ,20 та ховуз,16 та куприк,3та хамом,купгина тугон ва масжидлар курдирганини номма-ном санаб утади.Навоий курдирган иншоотларнингсони 300 дан ошган экан.Хазрат Алишер Навоий –бутун туркий ижодкорлар орасида энг куп ва энг хуб ижод килган.Навоийнинг минглаб газаллари ,достонлари ва арузнинг турли йулларида битилган байтларида асрлар оша диллар бахраманд булмокда.Навоий туркийда биринчи булиб ижод килган шоир хисобланади. Истиклол шарофати билан миллий кадриятларимиз. Маънавиймеросимизни урганиш,тадқиқ қилиш ва хозирги хамда келгуси авлодга етказиш вазифаси энг долзарб масалага айланди.Баркамол инсон тарбиясида миллий маданиятимиз,миллий маънавиятимиз,кадриятларимиз бекиёс кучдир.Ана шундай бой маънавий ижод махсули Алишер Навоийга тегишлидир.

Хозирги кунда хар томонлама камол топган билимли,зиёли,тарбияли,шахсни вояга етказиш гоёси юкори уринда туради.Бу вазифаларни амалга оширишда маънавий меросимизнинг,айникса Навоий ижодининг ахамияти бекиёсдир.

Президентимиз И.А.Каримов айганларидек,ахлоқ-маънавият узагидир.Навоий асарлари айнан инсон калбида ватанпарварлик,эл-юртга садокат.одамийлик ваинсонпарварлик гоёларини пайдо қилади,тарбиялайди.

Алишер Навоий биргина «Хайратул-аброр» асари инсон учун хам карз .хам фарз булган барча инсрний фазилатлар хақида суз юритади.Айникса ёшларимизда маълум бир маънода етишмаётган чин маънодаги калб гузаллиги, жисмоний камолот билан рухий баркамолликнинг уйғунлиги, хушмуомалалик,мехр-мухаббатли булиш,гузал хулк саналмш саховатлилик.сахийлик,мехнатсеварлик,Узини тута билиш,бировллрнинг гапини тинглай олиш, зарур Пайтда Кай холатда ёки кандай куринишда кули шва нафратланиш,ачиниш .аччикланишкаби холатларнинг хам ута даражада гузал ва меъёрда булишнинг етишмаслиги шундан далолат беради.Одобсизликнинг биринчи белгиси беҳуда кулгидир. Хадданзиёд,меъёрдан ортикча кулгандан кура,йиглаш афзалрокдир,дейди.

Навоий инсон кунглининг шиша каби нозиклигини ,уни синдириш ката гунох эканлигини, бировнинг кунглини олиш, кутариш ката савоб эканлигини хам

уктиради.Бировнинг гамини ейишинсонийликнинг энг юксак мартабаси деб билади.Инсон кунглини мукаддас Каъбага тенглаштиради,кунгилнинг синиклигини, яъни бировнингкунглини синдиришни Каъбани вайроникилиш билан тенг курсатади.Битта нотугри йулдан кетаётган кишини тугри йулга солиш,кишидаги ёмон фазилатларни йукотишга сабаб булиш,хатосини англатиш ваш у хатодан кайтариш хам вайрон булган Каъбани тиклаш билан баробар дейди:

Навоий инсон Кимки бир кунгли бузукнинг хотирин айлагай ,шод Онча борки ,Каъба вайрон булса обод айлагай.

«Хайратул-аброр»нинг13-маколотида элу юртга фойда келтирувчиларни булутга ухшатади.Халкка фойда келтирмокни ,бировларга яхшилик килмокни бошкаларга эмас,балки узига фойда келтиришва яхшилик килишдир деб уктиради:

Наъфинг агар халкка бешакдурур,  
Балки бу наъф узинга купракдурур.

Навоий бу гоясини барча асарларида давом эттиради ва тулдириб боради. Суюкли кахрамони Фарход мехнатсеварликни шарафлайди,мехнатга ижодий ёндашади.Ширинни излаб Арманистонга бораркан ,тогда канал казиш учун ниhoятда кийналиб ишлаётган кишиларни куриб:

Хунрни асрабон нетгумдир охир,  
Олиб туфроккаму кетгумдир охир,дея уларга чин маънода ёрдам беради.Хунари махоратини ишга солиб мнгларча кишиларнинг мехнати вамашаккатини енгиллаштиради.

Навоий инсон тарбиясида мехнатга ката эътибор беради.Мехнатни севувчи хар бир одам биринчидан узи бахтли булади,хурмат-эътибор топади,иккинчидан бундай одамнинг калбида,харктериди бировларга ёмонлик килиш,фирибгарлик нуксонлари хеч качон булмайдидея таъкидлайди.Шунинг учун Навоийнинг ижобий образлари хама вақт мехнатга зур хурмат билан карайдилар.Узлари танлаган соханинг фидойи захматкашлари даражасигача кутариладилар.Навоийнингобразларидаги бу фидойлик бугунги кун учун ,бугунги кун ёшлари учунхам жуда зарурдир.

Навоий ,кимки дарахтни яхши парвариш килса.куп мева олади.Агар зарар етказишни одат килса,элга эмса,узигаижабр килади дейди.Одамларга нарса берибфойда бермасанг,хеч булмаса яхши суз билан наф келтир,яхши суз айтиб яхшилик килгин,дейди.

Суз билан элга улимдан нажот топиш,Суз билан улик танга хаёт багишлаш мумкин деб сузнинг накадар кудратли эканини тушунтирарди.Асарда яхши сузнингжон озиги эканлигини,яхши суз билан илон хам инидан чикиши мумкинлигини уктиради.

Навоий «Куш тили»асарида кушлар тимсолида Семург кушини излаб, Талаб,Ишк,Маърифат,Истигно,Тавхид,Хайрат,Факру Фано водийларидан машаккат билан утиб, охир окибатда узлигини таниган, билган кишилар сиймосини яратади.Бу билан Навоий Олам, яъниБорлик Оллохнинг зухуридан иборатлигини айтади.Одамлар-кушлар эсадарвеш каби Хакни излаб умрларини сарф килади.Рухга айлангач эса Худо билан ковушадилар.Гуёки Оллох-Куёш,барча нарсаларва одамлар зса нур зарралари.

Тугилиш эса зарранингКуёшдан узилиб,нурга айланиб кетиши,улим эса зарранингаслига кайтиб Куёш багрига етишишдир.дейди.Навоий узлигини йукотган одам Оллохни хам йукотади,оламни хам,демак,уз кадрили,уз миллатини,узинингилдизларинийукотмаслиги керак,бунинг учун умрни беҳуда утказмаслик,аксинча умрни яхшилик ва эзгулик билан утказиб яхши ном колдириш кераклигини укдиради:

«Эл нечун топгай мениким ,мен узимни топмасам».

Баркамол инсон тарбиясида миллий маданиятимиз,миллий маънавиятимиз ,кадриятларимизнинг урни бекиёс.Навоий ижодини укиш,сидкидилдан урганиш хар биримизнинг бурчимиздир.Чунки,бундай жахоншумул ахамиятга эга булган маданий меросимиз дурдоналари нафакат узбек халкининг,балки бутун жахон халкларининг маънавиятини,маърифатини бойитиб келган.Уларга ҳеч топилмас маънода билим берган.Ана шундай маънавий бой ижод махсули Алишер Навоийга тегишли.

Кааб кури билан яратилган асарлар .

### **Фарход**

Фарход Навоий «Хамса»сидаги ижобий образлар ичида энг ёркин образдир.Фарход ёшлигиданок бошка тенгдошларидан ажралиб туради.

Убир ёшга тулгач,бешикни тарк этади,югура бошлайди.Учёшга кадам куйганда одамларни хайратга соладиган даражада фикр- мулохаза юритади,қуриниши эса ун ёшли болаларга ухшайди. Уз ижодида бола тарбиясига ката эътибор берган Навоий болани ёшлигиданок билмга,мехнатга,хунарга ургатиш лозимлигини шу Фарход образи оркали таъкидлаб утади.Чунки шундай килинганда бола келгусида хар томонлама яхши ваеуток одам булиб етишади.

Фарход жуда сергайрат,хотираси гоятда кучли,хофизасимисли курилмаган даржада уткир.У уч ойда саводини чикаради,хар бир ёдлаган нарсасини чукур тушуниб этади,укиганинарсаларидан узигааяхши хулосалар чикаради,кискаси,Фарходнинг ёшлиги Навоийнинг ёшлигини,айникса,унинг укишга ,ёдлашга булган хавасини,қобилиятини эслатади.Урни келганда анна шу нарсани хам айтиш керакки,Навоий яратган Мажнун ва Искандар образлари хам узларининг укиш ,зехн соҳасидаги хусусиятлари билан ФАРХОДГА ЖУДА ЯКИН ТУРАДИЛАР.

Фарход ун ёшида йигирма ёшли йигитлардек куч-қувватга эга булиб ,уша замонда мавжуд булган хама илмларни узлаштириб олади.

Куч-қувват,билим ва хунарда тенгсиз булган Фарход темурий шахзодалардек дагал,қупол,кеккайган булмай, узини хамиша камтар тутуди,хаттоки гадоликни подшоликдан устун куяди,хаммага очик кунгил билан караб,бегараз самимий муомала ва муносабатда булади.Унинг бу фзилатлари,чиндан хам уша давр шахзодаларида кам учрайдиган ибратомуз хислатлар эди.

Навоий Фарход образида ,қупинча ,унинг раҳмдиллигига,тез таъсирланишига жуда ката эътибор беради.Раҳмдиллик,шоирнинг тушунчасига кура ,уздан паст турадиган ,яъни мехнат ахли билан мансабдорнинг якинлашувига ,жамиятни шу тарика одилона ривожланишига ёрдам берувчи муҳим омиллардан биридир.

Фарход отаси амри билан курилайётган қасрлар майдончасига борганда у жойда кайнок мехнатни, айникса меъмор Боний, Наккош Моний, Сангтарош Коранлар мехнатини қориб чексиз хайратланади. Узи хам бел боглаб кизгин мехнатга шунгиб кетади ва тез орада тоштарошлик санъатини мукамал урганиб олади. Шоир ёзади:

Анингдек килди хоро йунмогин вирд,  
Ки юз Коран қошида булди шогирд.

Навоий Фарходнинг курилиш ишларида тез орада «устоди мохир» булганлигини алохида уктириб утади.

Фарход образининг узига хос хусусиятларидан яна бири унинг бошқалар гамига , кайгусига шерик була олиши, узгалар гамини узиникидан юкори куя билишидир:

Биравки зор йиглаб, йиглаб ул зор.

Топиб кунгил ел озоридин озор.

Булуб ел андухидин кунгли гамнок,

Ёко чокин куруб, куксин килиб чок.

Фарходдаги бу хусусият, бизнингча, Навоийнинг узидан кучирилган. Чунки, Навоий уз газалларидан бирида:

Менга килса бир жафо, бир катла фарёд айларам,

Элга килса бир жафо, минг катла фарёд айларам,-

Дейдики, бу шубхасиз, Навоий характериға хос булган муҳим муаммоларни ҳам калбга олиб утади. Масалан, Фарходнинг тахтга булган муносабати масаласини олиб курайлик. Фарход образини яратишда Навоий ана шу муҳим масалага алохида аҳамият беради.

Чунки шоир ҳаётда тахт егаси – подшо хали бакуват, тириклигиға карамай, унинг фарзандлари уртасида тахт учун олишувлар, хаттоки отаға курулли хужум килинишининг гувоҳи булганлиги маълум. Мавжуд ҳаётдаги бу аҷик ҳақиқатни узгартириш ва унга ижобий таъсир курсатиш мақсадида, шоир Фарходға ва унинг тахтга булган муносабати масаласиға диққатни жалб этади. Хокон Фарходни чакириб тахтни унга (Фарходға) топшириш ниятида эканлигини билдирганда Фарход ер Фарход Навоий тасвирида кучли ва иродали шахс даражаиға кутарилган булиб, к хар кандай огир и шва кийинчиликларни сабот ва матонат билан енгади. Бирок ҳаммавақт ва хар кандай шароитда бир хилда ҳаракат килмайди. Мехнат ва жанг майдонида мислсиз баҳодирликлар курсатган Фарход мақр ва хийла билан кулга туширилгач, асирликдан кутилиш чораларини курмайди ва у бу кургуликни таклирда битилган конуний бир хол деб тушунади. Шк каби баъзи бир жузъий таъкидлардан катъи назар Фарход образи Навоий ижоди, шу билан бирга бутун узбек адабиётининг катта ютуғидир. Буюк Навоий бу образ оркали узининг юксак орзуларини намоиш килган. Фарход Навоий тасвирида хар томонлама кенг ва чуқур билимға еға булган олим, чексиз одобли фарзанд, пок ва самимий ошиқ , ажойиб мехнатсевар инсон, тенги йук баҳодир, қахрамон, ҳақиқий гуманист, кискаси, хар томонлама муқаммал, етук шахс даражасиға кутарилган. Навоий жамиятда Фарходдек кишиларни куришни истар ва келажакда шундай кишилар етишуви мумкинлигиға комил ишонч билан қарар эди.

### **Мажнун**

«Хамса»даги ёркин ижобий образлардан яна бири Мажнун образидир.

Мажнун «Лайли ва Мажнун» достонининг марказий образлардан бири булиб, асарда тасвирланишича, у зур олим, талантли шоир, самимий ва садолкатли ошиқ, ажойиб табиатға еға булган шахсдир. Аммо ана шундай катор яхши фазилат ва хусусиятларға еға булган Мажнун каби етук инсонни зулм ва експулататсияға асосланган жамиятнинг конун- коидалари, урф- одатлари халок килади. Бирок, севги ва вафо тимсоли булган Мажнуннинг бу улими унинг маънавий енгилиши емас, чунки у уз йулида учраган кийинчиликлар олдида тиз чуқмайди, балки аксинча учраган хар кандай кийинчиликни матонат билан енгишға ҳаракат килади, хар кандай шароитда ҳам самимий севгисидвн воз кечмайди. Унинг севги-муҳаббат йулидаги фожеали улими адолатсиз тузумға қарши исён еди.

Достонда Мажнуннинг тугилишидан бошлаб улимига кадар босиб утган йули - саргузашти юрак кури билин санъаткорона хикоя килинади.

Навоий тасвиридаги Мажнун рахмдил меҳрибон ва инсонпарвар шахс. У узини ураб олган мухитга, одамларга бефвпрк карамайди. Мажнун айникса, эзилган «ситамдийда»ларни курар екан, уларнинг огир ахволига чин юракдан ачинади, хаттоки имкониятлардан келиб чикиб ёрдам беришга харакат килади. Унинг ана шундай яхши фазилати Зайд (Лайли кабиласидан булган бечора камбагал) билан булган учрашувда яна хам буртиб куринади. Мажнун зайддан уни Навфал жангчилари талаганини ешитгач, бор нарсасини унга бериб, ундан узр сурайди...

Мажнун ота-онасини чексиз хурмат килади. Уларнинг айтганларини , иложи борича, бажаришга тайёр. Навоий Мажнун характерига хос булган бундай фазилатларни:

Бошни фидо айла, ато қошига  
Жисми кил садка ано бошига  
Икки жаханига тиларсен фазо-  
Хосил эт ушбу иккисидин ризо.  
Тун кунунга айлагали нур фош  
Бирисин ой англа, бирисин куёш.  
Сузларидан чекма калам ташкари  
Хатларидан куйма кадам ташкари.  
Булсин адаб бирла бери хизматинг,  
Хам кил адаб «дол»и каби коматинг,-

яхши-ёмонга ажратади. Бунинг учун унда асос бор. Чунки шоир XV аср шароитида хаётда, саройда турли одамларни, мансабдорларни куради, яхшиларни куриб кувонса, ёмонларни куриб газабланади, хаётдаги барча яхшиликни яхшилар туфайли, ёмонликни эса ёмонлар туфайли деб билади.

Шоир «Хамса»да яхшиликни узига касб килиб олган ижобий идеал (Фарход, Ширин, Меҳинбону, Шопур, Лайли, Мажнун, Навфал, Дилором, Ахий, Фаррух, Искандар ва хоказо) образлар хамда ишлари эл-юрт учун зиён булган салбий (Хусрав, Шеруя, ибн Салом, Жобир каби) образлар галереясини яратади.

Навоий купинча эл-юртнинг тинчлиги, ободлиги, тукчилиги мансабдорга, хусусан, шох ва шахзодаларга боглик деб тушунади, шунинг учун хам уларга купрок мурожаат килиб, уларни тугри йулдан боришга даъват этади, насихатлар килади. Бу угитлар икки куринишга эга:

1. Хаётда бевосита шоирнинг одамлар, амалдорлар, шахзодалар ва шохга берган амалий маслахатлари;

2. «Хамса» достонларида яратилган намунавий образлар. Ана шундайлардан бири «Фарход ва Ширин» достонидаги, гарчи эпизодик булса-да, Хокон образидир. Навоий уни «Замона токи офоки» деб атайди. Шоир бу образ оркали шох ва шахзода, шох ва вазир уртасидаги муносабатнинг энг яхши намунасини берган. Чунки Навоий яшаган даврда шох ва шахзода, шох ва шахзода урталаридаги муносабат купинча юзаки, носамимий, ачинарли ахволда эди. Хокон – доно укимишли. У» подшоларнинг подшоси»

Булишига карамай, узидек угилсизларга чин калбдан ачинса, етимларни кургач, оталардек гамхурлик килади. Унинг бу характерини шоир куйидагича тасвирдайди:

Угилсизларни хам айлаб наволик,  
Атосизларга хам атолик.  
Булардин барча кому муддаоси,  
Буким, булгай бир угилнинг атоси.

Шуниси характерлики, шоир ижобий кахрамонида пайдо булган кувонч факатгина уша шахс ёки унинг атрофида тулган тор бир группанинг кувончи булмай ,катта бир группа ёки давлатнинг , кискаси, бутун халкнинг кувончи даражасига кутарилади. Масалан. Хокон фарзанд – угил кургач, чексиз кувонади, элу юртга катта инъомлар беради, ахолини уч йиллик хирождан озод килади.

### **«Хам сурати , хам сийрати» гузал аёллар образи»**

«Хамса»да хоти-кизлар муаммоси мухим урин тутуди. Навоий бу актуал масалага уз даврининг илгор санъаткори даражасида бахо беради ва уз дostonларида гуманизмнинг ёркин кирраларини янада намоён етади.

Аёллар Навоий даврида хам, ундан олдин хам булганидек, тамоман хукуксиз едилар. Бундай холга шоир локайд карай олмас эди. У аёлларга нисбатан паст назар билан караш уларни менсимаслик фикр-мулохазаларини инобатга олмаслик, орзу-истакларини топташ каби холатларни, уларнинг иктидорлари, қобилиятларига эътиборсизликни каттик коралайди. Шоир уз асарларида акл-заковатда, мухаббат ва санъатда, хаттоки давлатни идора етиш каби мухим ва мушкул ишларни бажаришда аёллар еркаклардан қолишмасликларини, айрим сохаларда хаттоки урнак булишлари мумкинлигини узининг катор образлари оркали исботлашга харакат килади.

Навоий уз асарларида хамиша хотин-кизлар зур хурмат билан карайди. Агар шоир ижодига чукур назар ташласак, унда бирорта хам жиддий салбий («золи Фарходкуш» - ёсумандан ташқари) образни топа олмайсиз. Шоир уларни (образларни) катта-кичиклигидан катъи назар, доимо «хам сурати , хам сийрати» гузал, нияти улуг , калби тоза инсон сифатида тасвирлайди. Фикримизга Ширин, Мехинбону, Лайли ва Дилором каби тулақонли образлардан тортиб Маллунинг кизи, Мехр, Лубати чин сингари эпизотик образлар яхши далил була олади.

Узбек классик адабиёти узининг ана шундай ёркин, ажойиб образларига эга. Масалан, Ширин образи. Бу образ факатгина Навоий ижодининг улкан ютуги булмай, бутун узбек классик адабиётининг хам ютугидир. Ширин Алишер Навоий дostonида Фарход билан бир каторда турадиган бош образлардан бири булиб, асосий гоёни ифодалашда мухим восита сифатида хизмат килади. Навоий тасвиридаги Ширин хар жихатдан етук, олижаноб инсон образи даражасига кутарилган.

Лайли- самимий мухаббат тимсоли. У уз ахдига, севгисига чексиз садокатли аёл. Унинг учун мол-у давлат ахамиятсиз, чин одамийлик афзал, у гарчи бой оилада тугилган булса-да, инсон учун энг керакли, мухим нарса- эркинлик ва ихтиёрий равишда узига ёр танлаш хукукига ега емаслигидан каттик шикоят килади, тақдирдан нолийди.

Лайлининг истак-орзуларига карши, унинг ибн Саломга узатилиши дардига дард, аламига алам кушади. Бирок хаётни, яшашни кучли севган Лайли умидсизликка тушмайди. У узини ибн Саломдек мансабпараст, айш- ишратга берилган «аждахо»дан асраб қолиш чорасини (яъни хеч иложини топа олмаса, узини захарлаб улдириш чорасини)куриб қояди.

Навоий Лайлининг бу режасини, уз идеали-севгисига содик қолишни хисобга олиб макуллайди. Чунки шоир акидасича, севимли булмаган киши билан яшашдан кура, яшашдан воз кечиш афзалдир.

Навоий хотин кизларнинг утмишдаги хукуксизликларини Лайли оркали янада кенгрок курсатишга харакат қилиб унинг Мажнунга йуллаган хатларидан бирида ёзганидек, мавжуд хаётдаги турмушнинг аянчли холатларидан бирини усталик билан киши куз унгида гавадантиради. Бу масала Лайлининг ахволи чексиз огирлиги , у уз

истаги фикр- мулохазаларини ҳеч кимга айта олмаслигидан , аёл булганлиги учун ҳам эркаклардек истаган ишини қилиши .истаган томонга кетиши мумкин эмаслигидан зорланади.

Алишер Навоий узининг гуманистик қарашлари ,яхши орзу-истакларини «Хамса» даги бошқа ижобий қаҳрамонларида булганидек, Лайли образида ҳам турли воқеалар , масалалар муносабати билан баён этади.Лайли одамларни чексиз ҳурмат қилади.Уларнинг бахтини хурсандчилигини қуриб қувонса ,кийин ахволга тушганларини , бахтсизликларини қуриб, чексиз қайгуради.Лайли образидаги бу яхши фазилат унинг Мажнун бошига тушган мусибат ( ота- онасининг улими)ни билгач, янада намоён булади.

Навоий достонида тасвирланган Лайли образининг узига ҳос хусусиятларидан яна бири унинг одобли ва ибодли эканлигидир.У ота-онасини қаттиқ севади, уларнинг айтганларини,иложи борича , бажаришга ҳаракат қилади.

Юқоридагилардан қуриб турибдики,Навоий асарларининг бош қаҳрамонлари ҳамда кичик қаҳрамонлари орқали шахсни тарбиядаш, урнат қилиб қурсатишни уз олдиға мақсад қилиб қуйган.

Ҳозирги шароитда бу образларнинг айрим «замонавий» ёшларимизни тарбиялашға,ота-онаға ҳурмат қурсатишға, ҳар соҳада илм ва ҳунар урганишға, қисқача қилиб айтганда, қомил инсонни тарбиялашға ҳизмат қилади десак айни мурдао булади.